

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев асарларида қонун
устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор
топтириш ва инсон манфаатларини рўёбга
чиқариш масалалари**

Г.Худайбердиева



**“Биз барпо этаётган
ҳуқуқий давлатда
адолатсизликнинг ҳеч
қандай шаклда устун
бўлишига йўл
қўймаслигимиз зарур.”**



Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги



- 18 ёшгача бўлган мамлакат аҳолисининг 35%ни ташкил этади
- 30 ёшгача бўлганлар мамлакат аҳолисининг 64,5%ни ташкил этади
- 60 ёшдан ошганлар 2 млн.873 минг киши
- 80 ёшдан ошганлар 225 минг киши
- 90 ёшдан ошганлар 44 минг киши
- 100 ёшдан ошганлар 8700 киши
- Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши - 27 ёш

Ўзбекистон Республикаси барқарорлигини таъминлаш ва ривожланиш стратегияси:

- Адолат мезонларига риоя этиш
- Қонун устуворлигини таъминлаш
- Инсон манфаатларини рўёбга чиқариш
- Жамоат назоратини амалга ошириш

Адолат мезонлари

- ТАРИХИЙ (шарқ мутафаккирларининг қарашлари)
- ИНСОНИЙ (инсоннинг қадр-қиммати, шаъни, улуғланиш)
- ҚОНУНИЙЛИК (қонун устиворлигини таъминлаш, ҳуқуқий сиёсат юритиш)
- ДАВЛАТ ВА ШАХС ўртасидаги мулоқот (фуқаро ва юридик шахсларнинг муурожаатлари)

- Амир Темур – “Куч-адолатда”.
- “Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини ҳурмат қилмакни айтилур”, - деб ёзади ХХ аср ўзбек мутафаккири Адбулла Авлоний.
- Ислон Каримов – “Куч-билим ва тафаккурда”.

➤ Абу Носир Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида адолатли жамият ҳақидаги орзулари ва қарашларини Томас Мор ва Томазо Компанеллодан беш аср аввал баён қилган эди.

➤ Одамларнинг “адолатпарвар – одил” ёки “адолатсиз - золим” бўлиши ҳам жамият тарбияси ва ижтимоий муҳит таъсиридир.

Форобий асарларида номусли одам
адолатга, адолатли қонунга
бўйсунувчи, оқилона фикрловчи
бўлиши таъкидланади. Адолат мезони
деганда бирор иш, ҳаракат қилиш
(жамиятга), яъни, ўзидан бошқаларга
ҳам фойдалими ёки зиёни, бу иш
гўзалми ё хунукми, яхшими ёки
ёмонми?, - деган саволларга қандай
жавоб берилиши тушунтирилади.

Буюк инсонпарвар шоир, файласуф,
шахй Саъдий Шерозий “Гулистон” ва
“Бўстон” асарларида ҳақиқатни ва
адолатни куйлади. Саъдий
“Гулистон”да адолат ҳақида шундай
ибратли ҳикоятни келтиради.

“Дейдиларки, Ажам подшоҳларидан
бири фуқароларнинг бор-йўғини тортиб
олди ва зулмни ҳаддан ошириб юборди.
Бу жабр-зулмга бардош беролмаган
халқ мамлакатдан бош олиб чиқиб
кетишга мажбур бўлди.

- Ислом Каримов – “Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз».
- Ислом Каримов - “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”.

Қонун устуворлигини таъминлаш

*Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш
орқали қонун устуворлигига эришиш.*

Ҳуқуқий маданият - жамиятнинг
қонунчилик даражаси, мавжуд
қонунлардан аҳолининг хабардорлик
даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига
риоя қилиши ва уларни бажармаган
шахсларга нисбатан муросасиз
бўлишдир.

*Ошкороликни таъминлаш орқали қонун
устуворлигига эришиш.* Ошкоралик-
демократиянинг зарур шарти бўлиб,
жамоатчиликнинг муассасалар,
ташкилотлар ва мансабдор шахслар
фаолиятига оид барча маълумот ва
хабарларни билиш ҳуқуқи ҳамда тегишли
ахборотларни муҳокама ва назорат этиш
учун рўй-рост эълон қилишдир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш, бунда:

- улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаб бориш;
- уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини доимий таъминлаш;
- уларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;
- уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини кенгайтириб бориш.

АҚШда Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” деган мавзуда 2015 йилда жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 минг шахснинг фикрини ўрганган. Сўровлар натижасида Ўзбекистон Сингапурдан кейин 2-ўринни эгаллаган. 2017 йилда эса энг хавфсиз мамлакат сифатида шу жой саклаб қолинди.

Бугун ҳаётнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад— **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш** масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётӣй муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига оид қуйидаги муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган:

- **Биринчидан,** *инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;*
- **Иккинчидан,** *инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;*
- **Учинчидан,** *инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;*

- **Тўртинчидан**, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;
- **Бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;
- **Олтинчидан**, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;
- **Еттинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурияти.

Ўзбекистонда йилларнинг номланиши

- 1997 – Инсон манфаатлари йили
- 1998 – Оила йили
- 1999 – Аёллар йили
- 2000 – Соғлом авлод йили
- 2001 – Она ва бола йили
- 2002 – Қариялар йили
- 2003 – Обод маҳалла йили
- 2004 – Меҳр-мурувват йили
- 2005 – Сихат-саломатлик йили
- 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили
- 2007 – Ижтимоий муҳофаза йили
- 2008 – Ёшлар йили
- 2009 – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
- 2010 – Баркамол авлод йили
- 2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили
- 2012 – Мустаҳкам оила йили
- 2013 – Обод турмуш йили
- 2014 – Соғлом бола йили
- 2015 – Кексаларни эъзозлаш йили
- 2016 - Соғлом она ва бола йили



Президентнинг 2016 йил 17 декабрда 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини яратишга оид қабул қилган Фармойишида ушбу соҳада вазифа ва йўналишларга ойдинлик киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан:



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси;

- 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури;
- Ҳукумат комиссиялари тасдиқланди.

Жамоатчилик назорати

Фуқаролик жамияти институтлари орқали фуқаролар давлат ва жамият сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этадилар. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сарасига нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамиятнинг фаол гуруҳлари кабилар киради.

Жамоатчилик назорати

Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин, демократик ҳуқуқий жамият.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Бугунги кунда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 18 та, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 10 та, «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8 та, «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 7 та, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 6 та моддасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган.

➤ Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”** мавзусидаги маърузасида адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди

- Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.
- Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

- Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.
- Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.
- Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос.

- Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.
- Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган.

- Биз “**Адолат – қонун устуворлигида**” деган тамайил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг стратегик қарашлари

Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир.

Адолатли жамият

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади.

- Аҳоли ва юридик шахслар ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва услубларини жорий қилиш, барча ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисоб бериш тизимини жорий этиш;
- Жойларда "халқ қабуллари"ни жорий этишнинг ташкилий-амалий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, фуқаро мурожаатлари энг кўп кузатиладиган соҳалардаги бюрократик тўсиқларни ва муаммоларни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини таъминлаш;

- Давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш, «Электрон ҳукумат» тизимини самарали ривожлантириш борасидаги чоралар;
- Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва молиявий-иқтисодий саводхонлигини ошириш ҳамда фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш тизимини шакллантириш бўйича тадбирларни киритиш;

- Давлат бошқарув идоралари ваколатларини оптималлаштиришга қаратилган маъмурий ислохотларни ишлаб чиқишни босқичма-босқич амалга ошириш, давлат хизматчиларининг моддий ва махсус таъминотини такомиллаштириш, профессионал мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратиш;
- Диний эътиқоди ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар мамлакатнинг барча фуқароларига тенг ҳуқуқ ва имкониятлар мавжудлигини таъминлаш.

Эътиборингиз учун раҳмат!

